

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
ҲУКМ

2022 йил август ойининг 22 кuni, жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, судья Ш.Юлдашевнинг раислигида, Ў.Хидировнинг котиблигида, Термиз транспорт прокурори З.Турсунов, судланувчи РРР, ХХХ ва уларнинг ҳимоячиси адвокат М.Алимовнинг иштирокида, РРР ва ХХХларга оид жиноят ишини кўриб чиқди.

И ш ҳ у ж ж а т л а р и г а к ў р а :

РРР 1981 йил 27 август кuni Ангор туманида туғилган, миллати рус, ўзбек тилини яхши билади, таржимон хизматига муҳтож эмас, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, оилали, икки нафар фарзанди бор, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, судланмаган, Қумқўрғон туманида яшайди, айблов хулоса нусхасини ўз вақтида олган, иш бўйича гаров эҳтиёт чораси қўлланилган

Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан айбланган.

ХХХ, 1977 йил 14 февраль кuni Шўрчи туманида туғилган, миллати татар, ўзбек тилини яхши билади, таржимон хизматига муҳтож эмас, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, оиласидан ажрашган, маълумоти ўрта, ёлланма ишчи, судланмаган, Қумқўрғон туманида яшайди, айблов хулоса нусхасини ўз вақтида олган, иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган

Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан айбланган.

Суд, судланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, иш материалларида мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

ХХХ, 2021 йил сентябрь ойида Қумқўрғон туманидан оқиб ўтувчи Сурхон дарёси бўйида балиқ овлаш учун борган вақтида бир тупдаги ёввойи ҳолда ўсиб турган “Марихуана” гиёҳвандлик ўсимлигини кўриб, унинг ширасини ажратиб олиб, ушбу ажратиб олган 5 дона думалоқча шаклдаги гиёҳвандлик воситасини келажакда сотиб ўтказиш мақсадида ўзида сақлаб келиб, ўзига олдин таниш бўлган фуқаро РРР билан бирга



тадбирга мижоз сифатида жалб қилинган “ХХХ” исмли шахсга ушбу “Гашиш” гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда сотиб ўтказишга ўзаро олдиндан жиноий тил бириктириб, ушбу мақсадда у билан бир гуруҳга бирлашиб, 2022 йил 23 март куни сат 11<sup>00</sup>да ўзининг жиноий шериги РРРга Қумқўрғон тумани, Оқсой маҳалласи ҳудудида 150.000 сўм эвазига бир дона “Pall mall” сигарет қутисига жойланган уч дона думалоқча шаклдаги “Гашиш” гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда сотиб ўтказгач, РРР ундан сотиб олган “Гашиш” гиёҳвандлик воситасини тадбирга мижоз сифатида жалб қилинган “ХХХ” исмли шахсга қонунга хилоф равишда сотиб ўтказмоқчи бўлган вақтда, 2022 йил 23 март куни соат 11<sup>15</sup>да Сурхондарё вилоят ИИБ Транспортда ХТБ ходимлари томонидан, Қумқўрғон тумани, Бешқахрамон маҳалласидан ўтувчи темир йўлнинг 4533 км. 7-пикетида жойлашган кўриқланадиган кесишмада ўтказилган гиёҳвандлик воситасини “Назорат остида харид қилиш” тезкор тадбири жараёнида аниқланиб ушланган.

Сурхондарё вилоят ИИБ ЭКБ суд кимёвий экспертизасининг 2022 йил 24 мартдаги 91-сонли хулосасига кўра, РРРдан ҳужжатлаштириб олинган қорамтир малла рангли, ўзига хос ҳидли, қўл билан ушлаб кўрилганда пластилинсимон моддалар таркибида фаол гиёҳванд модда тетрагидроканнабинол мавжуд бўлган «Гашиш» гиёҳвандлик моддаси бўлиб, унинг соф вазни 0,29 грамм эканлиги аниқланган.

Суд мажлисида судланувчи РРР айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, судланувчи ХХХ унинг болаликдаги таниши бўлишини, 2022 йил 22 март куни 13:00ларда “Мансур” исмли таниши уйига келиб Россия Федерациясига ишлаш учун яна кетмоқчи эканлиги, шу сабабли кетиш олдидан гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилиб, лаззатланиб кетмоқчи эканлиги, агар гиёҳвандлик моддасини топса у билан бирга ўтириб гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилишини айтганини, 2022 йил 23 март куни соат 11:00 ларда “Мансур” уйига Дамас русумли автомашина билан келиб, унга 300.000 сўм пулларни бериб, шунга яраша гиёҳвандлик воситасини сотиб олишини айтганини, Қумқўрғон тумани Бешқахрамон маҳалласида жойлашган Салимзянов Радик исмли танишининг устахонасига бориб ундан 300.000 сўмлик гиёҳвандлик воситасидан беришини сўраганини, ХХХ эса 150.000 сўмлик гиёҳвандлик воситаси қолганлигини айтиб, “PALL MALL” ёзувли сигарет қутисининг ичида бўлган уч дона ўралган гиёҳвандлик воситасини берганини, у “Мансур” билан Қумқўрғон туманидаги темир йўл кесишмасига борганида автомашинани бир нечта фуқаролик кийимидаги шахслар тўхтатиб, ўзларини ИИБ ходимлари деб таништириб, ундан ёнида қандай тақиқланган ашёлар бўлса чиқариб тақдим қилишини сўраганини, шунда у ИИБ ходимига Радик исмли танишидан 150.000 сўм



эвазига сотиб олган “PALL MALL” ёзувли сигарет қутисининг ичидаги гиёҳвандлик воситасини тақдим қилганини, ҳозирда қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини билдириб, суддан енгиллик беришни сўради.

Суд мажлисида судланувчи ХХХ айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, РРР билан болалиқдан таниш бўлганини, 2022 йил 23 март куни соат 11:00 ларда таниши РРР унга қўнғироқ қилиб, гиёҳвандлик воситаси кераклигини айтганини, шунда у РРРга фақат 3 дона борлигини, ҳар бир донаси 50 000 сўмдан бўлишини айтганини, орадан бироз вақт ўтиб РРР устахонасига келиб, 150 000 сўм пулни бериб, ундан “PALL MALL” ёзувли сигарет қутисини ичида бўлган уч дона думалоқ шаклга келтирилган гиёҳвандлик воситасини олиб кетганини, у РРР берган 150 000 сўм пулларни уйини ваннахонасидаги темир шкафчага қўйиб қўйганини, у Қумқўрғон тумани темир йул бекати олдидан ўтиб кетаётган вақтида уни ИИБ ходимлари ушлаб ИИБ хизмат хонасига олиб боришганини, у ИИБ ходимларига ҳақиқатдан ҳам шу куни эрталаб РРРга 150 000 сўм пул эвазига 3 дона юмалоқ шаклдаги гиёҳвандлик моддасини сотганлигини айтганини, у ўз хоҳиши билан ИИБ ходимларига 150 000 сўм пулларни холислар иштирокида ИИБ ходимларига қайтариб берганини, ҳозирда қилмишидан пушаймонлигини билдириб, суддан қонуний қарор чиқаришни сўради.

Суд мажлисида гувоҳ ААА қуйидагиларни, у 2022 йил 23 март куни Қумқўрғон темир йул вокзалида ишда бўлган вақтида, соат 10:30ларда уни ИИБ ходимлари бир иш юзасидан холис сифатида иштирок этишга таклиф қилганини, у рози бўлганини, у билан холис сифатида иштирок этаётган киши билан бирга ИИБ ходимларини автомашинасига ўтирганини, улар ИИБ ходимлари билан бирга оқ рангли Дамас автомашинани орқасидан юрганини, ушбу автомашина Қумқўрғон-Элбаён темир йул бекатлари оралиғидаги 4533 км 7 пикетидаги темир йул кесишмасига яқинлашганда Дамас автомашинасининг олди томонига ўтиб тўхтаганини, шунда ушбу Дамас автомашинасини ИИБ ходимлари тўхтатиб уларга нотаниш бўлган 1 нафар фуқарони ушлашганини, улар иштирокида ушбу фуқародан ўзини таништиришни сўрашганида, ушбу фуқаро ўзини РРР эканлигини айтганини, ИИБ ходимлари ушбу фуқародан “агар ёнингизда бирорта ноқонуний нарсалар бўлса уз хоҳишингиз билан тақдим этасизми” деб сўрашганида фуқаро РРР ўзининг эғнида бўлган қора рангли курткасининг чап ён чўнтагидан 1 дона “PALL MALL” ёзувли сигарет қутисининг ичида 2 дона думалоқ шаклдаги тўқ жигар ранг тусдаги гиёҳвандлик моддасига ўхшаш модда борлиги аниқланганини, РРРдан ушбу нарса нима эканлигини сўрашганида ушбу фуқаро мазкур тақдим қилган нарсаси “Гашиш” гиёҳвандлик моддаси эканлигини ва уни истеъмол қилиш учун олиб юрганлигини айтганини, ИИБ ходимлари РРРдан ушбу



гиёҳвандлик воситасини қаердан олганини сўраганини, РРР Қумқўрғон туманидаги Бешқахрамон маҳалласида яшовчи “Радик” имли шахсдан олганлигини айтганини, РРРдан олинган гиёҳвандлик воситаси тарозида ўлчаниб конвертга муҳрланганини баён қилиб ўтди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ 333 гувоҳ АААнинг кўрсатувиغا ўхшаш кўрсатма бериб ўтди.

Судланувчи РРР ва ХХХларнинг жиноят содир этганликда айби, “ХХХ” исмли шахснинг аризаси, назорат тариқасида гиёҳвандлик воситаларини сотиб олиш учун пулларни топшириш ҳақида баённома ва фотожадвал, нарсани кўздан кечириш ва олиб қўйиш тўғрисида баённомалар ва фотожадвал, суд-кимёвий экспертиза хулосаси, айбланувчи РРРни кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тергов ҳаракатига фото илова, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси ва фото илова, судга оид кимёвий экспертизаси хулосаси, суд-наркологик экспертиза хулосаси ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан тасдиғини топди.

Суд, судланувчи РРРнинг айб квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан РРРнинг ҳаракати “бир гуруҳ шахслар томонидан олдин тил бириктириб, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни озгинадан кўпроқ миқдорда қонунга хилоф равишда сотиш”да ифодаланган жиноят аломати Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи ХХХнинг айб квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан ХХХнинг ҳаракати “бир гуруҳ шахслар томонидан олдин тил бириктириб, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни озгинадан кўпроқ миқдорда қонунга хилоф равишда сотиш”да ифодаланган жиноят аломати Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузатилиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланиши кераклиги;

Жиноят кодексининг 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги;

Ушбу Кодекснинг 42-моддасида, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жинoий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда



маҳқум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши;

Жиноят кодексининг 54-моддаси 2-қисмида, суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши лозимлиги қайд қилинган.

Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги 1-сонли қарори 3-бандида, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши

Мазкур қарорнинг 37-бандида, ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа энгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Шу сабабли суд, юқоридаги қонун мазмуни ва Пленум қароридаги тушунтиришларидан келиб чиқиб, қонуннинг инсонпарварлик ва одиллик принципларига риоя этган ҳолда жазо тайинлашни лозим топади.

Суд, судланувчи РРРга нисбатан нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, айбини инкор этмаган ҳолда айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, ҳозирда содир этган жиноятининг оқибатларини тўла англаб етганлигини, муқаддам судланмаганини, шахсини, қарамоғида турмуш ўртоғи ва икки нафар фарзанди борлигини энгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, жиноятни қасддан содир этганини оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисоблаб, шунингдек содир этган жиноятини хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб эътиборга олиб, РРР оғир жиноят содир этганини инобатга олиб, ЖК 57-моддасини қўллаб, мазкур жиноят учун белгиланган жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни;

Тайинланган жазони умумий тартибли колонияда ўтатиришни;  
Жазо муддатини 2022 йил 22 августдан бошлаб ҳисоблашни;



РРРга нисбатан танланган “гаров” эҳтиёт чорасини “қамоққа олиш” эҳтиёт чорасига ўзгартириб, суд залидан қамоққа олишни;

РРРга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасига асосан жазони ўташ жойларида мажбурий гиёҳвандликка қарши даволаниш чоралари қўллашни лозим деб топади.

Суд, судланувчи ХХХга нисбатан нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, айбини инкор этмаган ҳолда айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, ҳозирда содир этган жиноятининг оқибатларини тўла англаб етганлигини, муқаддам судланмаганини, шахсини, қарамоғида турмуш ўртоғи ва бир нафар фарзанди борлигини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, жиноятни қасддан содир этганини оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисоблаб, шунингдек содир этган жиноятини хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб эътиборга олиб, ХХХ оғир жиноят содир этганини инобатга олиб, ЖК 57-моддасини қўллаб, мазкур жиноят учун белгиланган жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни;

Тайинланган жазони умумий тартибли колонияда ўтатиришни;

Жазо муддатини 2022 йил 22 августдан бошлаб ҳисоблашни;

ХХХга нисбатан танланган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чорасини “қамоққа олиш” эҳтиёт чорасига ўзгартириб, суд залидан қамоққа олишни;

ХХХга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасига асосан жазони ўташ жойларида мажбурий гиёҳвандликка қарши даволаниш чоралари қўллашни;

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг, ашёвий далил деб эътироф этилган 00039-сонли патта орқали ДХХ Сурхондарё вилоят бошқармаси хўжалик бўлимига топширилган 0,26 грамм бўлган “гашиш” гиёҳвандлик воситасини йўқ қилишни;

-Тезкор тадбирни ўтказиш учун махсус фонддан олинган серия рақамлари қайд қилинган 300.000 сўм миқдоридаги пул маблағлари махсус фондга топшириш учун Транспортда ХТБ ЖҚБ ходимларига тилхат орқали қайтарилганлигини инобатга олишни.

-жиноят иши бўйича олиб борилган тезкор тадбир жараёнида ва дастлабки тергов ҳаракатлари давомида видеотасвирга олинган 6 дона ДВД дискларни жиноят иши ҳужжатларида сақлашни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454, 455, 457, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

ҳ у к м қ и л а д и:

РРР Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддаси 3-қисмининг “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.



РРРга ЖК 273-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб 4 (тўрт) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазо умумий тартибли колонияда ўтаттирилсин.

Жазо муддати 2022 йил 22 августдан бошлаб ҳисоблансин.

РРРга танланган “гаров” эҳтиёт чораси “қамоққа олиш” эҳтиёт чорасига ўзгартирилиб, у суд залида қамоққа олинсин ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш Департаменти тўртинчи минтақавий мувофиқлаштириш маркази 9-сон тергов ҳибсхонасига жойлаштирилсин.

Гаров тариқасида қабул қилинган ва Сурхондарё вилоят ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармаси депозит ҳисоб рақамида сақланаётган 5.500.000 сўм пуллар ҳукм қонуний кучга киргач гаров қўювчи РРРга қайтариб берилсин.

РРРга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасига асосан жазони ўташ жойларида мажбурий гиёҳвандликка қарши даволаниш чоралари қўлланилсин.

ХХХ Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддаси 3-қисмининг “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

ХХХга ЖК 273-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб 4 (тўрт) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазо умумий тартибли колонияда ўтаттирилсин.

Жазо муддати 2022 йил 22 августдан бошлаб ҳисоблансин.

ХХХга танланган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси “қамоққа олиш” эҳтиёт чорасига ўзгартирилиб, у суд залида қамоққа олинсин ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш Департаменти тўртинчи минтақавий мувофиқлаштириш маркази 9-сон тергов ҳибсхонасига жойлаштирилсин.

РРРга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасига асосан жазони ўташ жойларида мажбурий гиёҳвандликка қарши даволаниш чоралари қўлланилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг, ашёвий далил деб эътироф этилган 00039-сонли патта орқали ДХХ Сурхондарё вилоят бошқармаси хўжалик бўлимига топширилган 0,26 грамм бўлган “гашиш” гиёҳвандлик воситаси йўқ қилинсин;

-Тезкор тадбирни ўтказиш учун махсус фонддан олинган серия рақамлари қайд қилинган 300.000 сўм миқдоридаги пул маблағлари махсус фондга топшириш учун Транспортда ХТБ ЖҚБ ходимларига тилхат орқали қайтарилганлиги инобатга олинсин.



-жиноят иши бўйича олиб борилган тезкор тадбир жараёнида ва дастлабки тергов ҳаракатлари давомида видеотасвирга олинган 6 дона ДВД дисклар жиноят иши ҳужжатларида сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар, ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчилар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, йигирма сутка ичида Сурхондарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига шикоят бериш ёки прокурор протест билдиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи

Ш.Юлдашев

